



№ БР-24

202 2 yil “19” oktyabr

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги
ходимларининг одоб-ахлоқ Кодекси ва одоб-ахлоқ комиссияси
тўғрисидаги Низомни янги таҳрирда тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳуқуқий ҳужжатларини амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш, ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидаларини янада такомиллаштириш, ҳамда “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

Б У Ю Р А М А Н:

1. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ходимларининг одоб-ахлоқ Кодекси” 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Низом” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг одоб-ахлоқ комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ ташкил этилсин:

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ходимларнинг Одоб-ахлоқ Кодексини ҳамда Одоб-ахлоқ Комиссияси тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 31 март 2017 йилдаги 305-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. Кадрлар ва таълим муассасалари бошқармаси бошлиғи И.Хасанов мазкур буйруқ билан Вазирлик тизимидаги барча ходимларни таништиради.

6. Мазкур буйруқни назорат қилиш Вазир ўринбосари Э.Хамраев зиммасига юклатилсин.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сонли Қарори.

В а з и р



В.Норов



И.Хасанов



Э.Хамраев



Ж.Валиев

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги
ходимларининг одоб-ахлоқ
КОДЕКСИ

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ходимларининг одоб-ахлоқ кодекси (кейинги ўринларда – Кодекс деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида" ва "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Давлат мансабдор шахслари учун халқаро ахлоқ кодекси (БМТ Бош Ассамблеясининг 51/59-сонли Резолюцияси билан 12 декабрь 1996 йилда қабул қилинган), қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг (кейинги ўринларда ТИВ ёки Вазирлик деб юритилади) норматив ва идоравий ҳужжатлари, умумэътироф этилган ахлоқий тамойиллар ва нормаларига асосланади.

2. Кодекс - касбий этиканинг умумий тамойиллари, одоб-ахлоқнинг асосий қоидалари тўплами бўлиб, улар ТИВ тизимининг барча ходимлари учун, уларнинг мавқеидан қатъи назар, мажбурийдир.

3. Кодекснинг мақсади ТИВ ходимларининг (Ташқи ишлар вазирлиги раҳбарияти ва марказий аппарати, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари, вазирлик қўйи ташкилотлари) расмий хатти-ҳаракатларининг ахлоқий нормалари ва қоидаларини белгилашдан иборат бўлиб, уларнинг профессионал иш фаолиятини муносиб бажариш, шунингдек мавқеини мустаҳкамлаш ва фуқароларнинг ишончини оширишдир.

Ушбу Кодексда ишлатиладиган атамалар:

Коррупция - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик - коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

Манфаатлар тўқнашуви - давлат фуқаролик хизматчисининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз хизмат ваколатларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда фуқароларнинг, жамиятнинг ёки давлат органининг шахсий манфаатдорлиги ва ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келадиган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазиятдир.

4. Вазирлик ҳар бир ходими ўз касбий фаолияти давомида Кодекс қоидаларига қатъий риоя қилиш учун барча зарур чораларни кўриши шарт.

5. Вазирлик ходимининг фаолияти Кодекс қоидаларига мувофиқлиги унинг касбий фаолияти ва расмий хатти-ҳаракатларини баҳолаш мезонларидан биридир.

II. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ходимларининг одоб-ахлоқининг асосий тамойиллари ва қоидалари

6. Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек хизмат вазифалари билан боғлиқ ахлоқий меъёрларга қатъий риоя этишлари шарт.

7. Вазирлик ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиши давлат органлари фаолиятининг асосий мазмуни ва мезонини белгилаб беришидан келиб чиқиб, қуйидаги қоидаларни бажаришга мажбурдирлар:

- қонунларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини холисона, виждонан ва юқори профессионал даражада бажариш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш, давлат ва жамият манфаатлари, шунингдек Вазирликнинг самарали фаолиятини таъминлаш;

- қонун билан интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ва бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги;

- хизмат фаолиятини ўз ваколатлари доирасида амалга ошириш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш, мурожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқирилишини таъминлаш, бузилган ҳуқуқ ва еркинликларини тиклаш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида керакли чора-тадбирлар кўриш;

- Ўзбекистон Республикасининг хориждаги, шунингдек, халқаро майдондаги обрў-эътибори, имижини доимий равишда мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш;

- тўлақонли фидойилик кўрсатиш, юклатилган вазифаларни самарали бажариш, ҳамкасбларига кўмаклашиш, ва Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатини амалга ошириш учун бор куч-ғайратини ишга солиш;

- ўз вазифаларини бажаришда ҳеч қандай гуруҳ, ташкилот ва сиёсий партияларга устунлик кўрсатмаслик ёки ён босмаслик, уларнинг таъсиридан холис, мустақил равишда фаолият юритиш;

- адолат, ҳалоллик, холислик ва коррупцияга қарши курашиш принципларига риоя қилиш, ўз иш фаолиятига ҳар қандай таъсир ўтказиши мумкин бўлган имкониятларни истисно қилиш;

- фуқаролар, шунингдек раҳбарият, ҳамкасблар ва ўзидан қуйи лавозимда турувчи ходимлар билан мулоқотда муаммола маданиятига амал қилиш, вазмин, тўғри ва эҳтиёткор бўлиш;

- Ўзбекистон Республикаси халқининг урф-одатлари ва анъаналарига ҳурмат кўрсатиш, турли этник, ижтимоий гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, миллатлараро ва динлараро тотувликни тарғиб қилиш, маҳаллийчилик иллатларидан холис бўлиш;

- жамиятида умумэътироф этилган халқ анъаналарининг таркибий қисми бўлган қадрият ва хулқ-атвор тамойилларига, хусусан, ёши улуг фуқаролар, шу жумладан Вазирлик ходимларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ва эъзозлаш;

- ўз хизмат вазифаларини виждонан бажаришга шубҳа туғдирадиган ҳатти-ҳаракатлардан сақланиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ва Ташқи ишлар вазирлигининг ҳамда бевосита ўз обрўсига путур этказадиган низоли вазиятлардан чекланиш, бундай вазиятга тушиб қолган тақдирда вазирликдаги бевосита раҳбарини зудлик билан хабардор қилиш;

- давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига ғайриқонуний таъсир кўрсатиш, шунингдек фуқароларнинг шахсий масалаларини ҳал қилиш йўлида ўз лавозимидан фойдаланмаслик;

- тасарруфида бўлган ресурслардан юқори масъулият билан самарали фойдаланиш;

- ахборотларни тарқатиш қоидаларига риоя қилиш, интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг белгиланган тартибига амал қилиш;

- бириктирилган хизмат компьюттери ҳамда электрон ташувчиларидаги хизматга оид маълумотларнинг хавфсиз сақланишини таъминлаш ва уларни бошқа шахсларга тарқатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

- Ўзбекистон Республикаси ва Ташқи ишлар вазирлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлар, ёзма ёки оғзаки баёнотлар шу жумладан оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали беришдан чекланиш;

- ўзининг ҳатти-ҳаракати ва ахлоқи туфайли жамоатчиликнинг танқидига учрамаслик чораларини кўриши, танқид учун таъкибга йўл қўймаслиги, асосли ва конструктив танқиддан ўз фаолиятидаги камчиликлар ҳамда нуқсонларни бартараф этиш йўлида фойдаланиш;

- Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик идораларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси квотаси бўйича халқаро ташкилотларда ишлаётганида, қабул қилувчи мамлакат қонунчилиги ва урф-одатларига, хулқ-атвор ва ахлоқнинг

умумэътироф этилган нормаларига, давлат томонидан ўрнатилган қонуний чекловларига қатъий риоя қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг хорижий давлатлардаги муассасаларига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ўзи ва оила аъзолари томонидан бажарилишини таъминлаш;

- хорижий давлат ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан хизмат вазифаси доирасида алоқа қилганда хушмуомалалик, дадиллик ва дипломатик этикага риоя қилиш;

- ўз фаолиятини давлат сиёсати ва амалга оширилаётган ислохотларга мос равишда ташкил этиш;

- оиласида соғлом муҳитни таъминлаб, оила аъзоларига доимий ғамхўр бўлиш, фарзандларида ватанпарварлик ва бошқа юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш;

- қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ҳамда мол-мулки тўғрисида декларация тақдим этиш.

8. Ташқи ишлар вазирлиги раҳбариятининг розилиги ва кўрсатмасисиз ходим томонидан қуйидаги ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш тақиқланади:

- Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати, ТИВ ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятига дахлдор бўлган мавзуларга оид асар ва/ёки мақолалар чоп этиш ва интервьюлар бериш;

- эгаллаб турган лавозими туфайли унга маълум бўлган маълумотлардан шахсий мақсадлар учун фойдаланиш;

- шахсий иши бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиш ва узоқ муддатли хизмат сафарини бажариш учун юборилган давлатдан бошқа давлатга сафар қилиш;

9. Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари қуйидаги ҳатти-ҳаракатларни бажариши тақиқланади:

- шахсий манфаатлар учун тижорат ёки бошқа ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш;

- давлат хизматчиси мақомига мос келмайдиган фаолият билан шуғулланиш, шу жумладан ижтимоий тармоқлар ва ОАВ орқали, хусусан, ўз расмий мавқеидан сиёсий партиялар ва бирлашмалар манфаатлари йўлида фойдаланиш;

- ўз вазифаларини бажариш, бажармаслик ва/ёки нотўғри бажариш учун жисмоний ва юридик шахслардан (совғалар, пул мукофотлари, кредитлар, дам олиш хизматлари ва бошқа) ҳақлар олиш ва манфаат кўриш;

- давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи (вакиллик) органи, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органи депутати бўлиши;

- тижорат ташкилотини бошқаришда иштирок этиш ёки ҳар қандай тижорат корхоналари фаолиятида молиявий манфаатдорликка эга бўлиш, агар бундай иштирок ёки молиявий манфаат унга расмий лавозимидан фойдаланиш орқали фойда олиш имконини берса;

- вазирликнинг моддий-техник, молиявий ва ахборот таъминоти воситалари ва бошқа мол-мулкдан норасмий мақсадларда фойдаланиши;

- хизмат сафари, иш жараёнида ва тадбирлар давомида меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай турдаги сарф-харажатларни бошқа шахслар ҳисобидан амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ва уларга эга бўлишга, кўчмас мулкка ва бошқа мол-мулкка эгалик қилишга, бундан чет давлатда таълим олиш, стажировка ўташ ва тиббий хизматлардан фойдаланиш мақсадида очилган ҳисобварақлар, шунингдек давлат фуқаролик хизматига киришдан олдин олинган ва ошкор қилинган мол-мулк мустасно.

10. Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари ўзларини қуйидагилардан чеклашлари шарт:

- жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, фуқаролиги, ижтимоий, мулкӣ ёки оилавий аҳволи, сиёсий ёки диний қарашларига қаратилган камситувчи кўринишдаги ҳар қандай баёнотлар ва ҳатти-ҳаракатлар;

- қўполлик, менсимаслик, ҳурматсизлик оҳангидаги ҳаракатлар, тақаббурлик, тамагирлик, ноҳолис гаплар, номақбул, асосланмаган айбловлар кўйиш, фуқаро ва ҳамкасбларига ҳурматсизлик қилиш, кибрга берилиш;

- таҳдидлар, ҳақоратли иборалар ёки изоҳлар, шу жумладан ижтимоий тармоқларда, нормал мулоқотга халақит берадиган ёки ноқонуний хатти-ҳаракатларни кўзғатадиган ҳаракатлар.

11. Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши ва коррупциянинг намоён бўлишига қарши курашиши, унинг олдини олишга кўмаклашиши ва коррупцияга оид ҳар қандай ҳуқуқбузарликни ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шароит яратадиган бошқа ҳаракатларни содир этишдан тийилиши шарт.

Вазирлик ходими иш берувчини, ўзининг бевосита раҳбарини ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишда алоқада бўлган ҳар қандай шахсларнинг барча ҳолатлари тўғрисида, шунингдек уларга маълум бўлган Вазирликнинг бошқа ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқарувчи ёки содир этилган ҳар қандай фактлар тўғрисида ҳабардор қилишлари шарт.

Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари томонидан ушбу банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган мажбуриятни бажармаслик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ташқи ишлар вазирлиги раҳбарияти коррупция ёки қонун бузилиши ҳолатлари ҳақида фактларга асосланиб билдрилган фикр ёки мурожаат учун ходимларни ишдан бўшатиш, уларни тақиб қилинишининг олдини олишни таъминлаши лозим.

Коррупция фактлари тўғрисида ҳабар берган ходимга қонунчиликда белгиланган тартибда давлат ҳимояси таъминланади.

12. Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари ўз касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун барча чораларни кўришлари шарт.

Давлат сирларини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги талабларга риоя этиши, шунингдек ўз хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида олинган маълумотларни ошкор қилмаслиги, шу жумладан ТИВдаги фаолияти тугаганидан кейин ошкор этмаслиги.

Ходимлар Вазирлик раҳбарияти рухсатисиз мазкур маълумотларни ошкор қилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгардирлар.

13. Раҳбар бўйсунувчи ходимларга нисбатан профессионалик, бенуксон обро-эътибор намунаси бўлиши, жамоада самарали ишлаш учун қулай бўлган ахлоқий ва соғлом психологик муҳитни шакллантиришга ҳисса қўшиши керак, у бўйсунувчилардан ўз вазифаларидан ташқарига чиқадиган буйруқларни бажаришни талаб қилмаслиги, уларни ноқонуний ҳуқуқбузарликлар қилишга мажбурламаслиги керак

Раҳбар қариндошлик, биродарлик ёки шахсий манфаат ва садокат асосида ходимларни ишга жалб қилиш ва жойлаштириш ҳолатларига йўл қўймаслиги зарур. У ўзининг вазифаларини бажариш жараёнида гуруҳчилик, маҳаллийчилик, бир ходимни бошқа ходимдан устун кўриш, ходимларни камситиш ва бошқа салбий омилларнинг намоён бўлишини қатъиян чеклаши керак.

Вазирлик тизимида раҳбарлик лавозимида фаолият юритаётган ходимлар қуйидагилар учун маъсулдир:

- ижро интизомини тўғри ва самарали йулга қўйиш ва қатъий интизомни таъминлаш бўйича шахсий намуна кўрсатиш;
- жамоада манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш;
- коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш;
- ходимларни самарали бошқариш, иш ҳажмини шаффофлик асосида адолатли тақсимлаш;
- ходимларнинг иш натижасига кўра уларни рағбатлантириб бориш, уларнинг фаолиятига баҳо беришда қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш;
- манфаатлар тўқнашувининг ўз вақтида ҳал этилишини таъминлаш чораларини кўриш.

Раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

14. Вазирлик ходимлари ишдан ташқари вақтда қуйидагиларга мажбур:

- дабдабозлик, шуҳратпарастлик, гуруҳбозлик, маишатбозлик, ичкиликбозлик ва бошқа салбий иллатларга йул қўймаслик;
- расмий эълон килинган маълумотлардан ташқари давлат хизмати фаолиятига оид масалаларни муҳокама қилмаслик;
- жамоат жойларида (кафе, ресторан ва бошқа кўнгилочар масканларда) ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш, атрофдагиларнинг эътиборини тортувчи ортиқча ва салбий ҳаракатларга йўл қўймаслик;
- жамоат тартиби ва хавфсизлигига қарши қаратилган ҳатти-ҳаракатларни содир этмаслик, мазкур ноқонуний ҳаракатларга бошқаларни жалб этмаслик ёки даъват қилмаслик;
- хизмат гувоҳномаларини сақлаш ва фойдаланиш тартибига қатъий риоя этиш, улардан хизматга алоқадор бўлмаган ҳолатларда фойдаланмаслик, шу жумладан, ваколатли шахсларга хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, мавқеини суиистеъмол қилмаслик;
- хизмат автотранспорт воситаларидан хизмат фаолиятидан ташқари ҳолатларда шахсий ва бошқа мақсадларда фойдаланмаслик;
- шахсий транспорт воситаларидан фойдаланишда белгиланган тартибга амал қилиш, йул ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этиш;

15. Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари стажёрларнинг амалиёти даврида улар томонидан мазкур Кодекс қоидаларига риоя этилишини таъминлашлари шарт.

Ходимлар ўзларининг расмий ҳатти-ҳаракатлари билан жамоада ишончли алоқаларини ўрнатишга ва Вазирликнинг бошқа ходимлари билан конструктив ҳамкорликка ҳисса қўшишга чақирилади.

Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари ўз вазифаларини бажариш вақтида хизмат вазифаларидан келиб чиққан, расмий тадбир форматида қараб, фукароларнинг давлат органларига ҳурмат билан муносабатда бўлишига ҳисса қўшувчи, расмий, жамиятда ўрнатилган анъаналарга тўғри келувчи ташқи кўринишга эга бўлиши ва дипломатик протокол қоидаларига амал қилган ҳолда расмий кийиниши лозим.

Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари ишдан ташқари вақтларда умумий қабул қилинган ахлоқий ва одоб меъёрларга риоя қилишлари ва антииҷтимоий ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олишлари керак.

Ташқи ишлар вазирлиги ходимларига иш вақтида ва хизмат сафари мобайнида кўнгилочар муассасаларга ташриф буюриши ва спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш тақиқланади.

III Манфаатлар тўқнашуви

16. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, ТИВ ходими ўзининг бевосита раҳбарига дарҳол ёзма шаклда ҳабар қилиши керак.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотларни олган раҳбар ушбу тўқнашувни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва ҳал этиш тартиби қонун билан белгиланади.

IV. Совғаларга нисбатан муносабатда бўлиш шартлари

17. Ташқи ишлар вазирлиги ходими (унинг оила аъзоларига) бепул берилган, моддий қимматга эга бўлган мол-мулк ёки ходимга (унинг оила аъзоларига) беғараз кўрсатилган хизмат совға ҳисобланади.

Ходимларга жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини кўзлаб ўз фаолиятини бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан ҳар қандай совғалар олиш тақиқланади.

Ходим томонидан хизмат сафарлари ва вазифаси, халқаро ва бошқа расмий тadbирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совғалар махсус тузилган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги одоб-ахлоқ комиссияси (бундан буён - Комиссия деб юритилади) берилиши зарур.

V. Кодекс қоидаларини бажарилишини назорат қилиш ва Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисида

18. Ушбу Кодекс нормаларининг бузилиш ҳолатлари Комиссия томонидан назорат қилиб борилади ва ўрганиб чиқилади. Комиссия ҳар бир ҳолат юзасидан жавобгарлик масаласи бўйича Вазирлик раҳбариятига таклиф киритади.

Комиссия таркиби ТИВ тизимидаги ходимлар орасидан Вазирлик буйруғи асосида шаклланади. Уларнинг сони беш нафардан кам бўлмаслиги ва тоқ сонда бўлиши лозим.

Комиссия фаолиятини ташкил этишнинг мақсадлари, вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тузилиши ҳамда бошқа масалалар Вазирлик буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги одоб-ахлоқ комиссияси Низомида белгинади.

19. Ходим томонидан мазкур Кодекс қоидаларини бузиш уни қонунда белгиланган тартибда интизомий ёки бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

20. Ходимнинг мазкур Кодекс қоидаларига риоя қилиши аттестация ўтказишда, юқори лавозимларга кўтарилиш, рағбатлантириш, хорижий муассасаларда ишлашга йўналтириш учун кадрлар захирасини шакллантиришда, шунингдек интизомий жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

21. Ходим Кодекс қоидаларини бузилиши тўғрисида ўзига тегишли маълумотларни олиш, далил, изоҳ келтириш ва Комиссия қароридан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг
одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Одоб-ахлоқ комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия деб юритилади) қоидаларини белгилаб беради ва унинг фаолиятини тартибга солади.

2. Комиссия фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ходимларининг одоб-ахлоқ Кодекси ва ушбу Низомга ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

3. Комиссия ТИВ тизимидаги ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, уларнинг ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларини олдини олиш ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш мақсадида тузилади.

II. Комиссиянинг асосий вазифалари ва функциялари

4. Комиссиянинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- ходимлар томонидан одоб-ахлоқ Кодексига риоя этилиши масалаларини кўриб чиқиш, хизмат текширувларини ўтказиш;

- ходимлар ўртасида одоб-ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига алоқадор хатти-ҳаракатларига доир мурожаатларини кўриб чиқиш;

- одоб-ахлоқ қоидаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда коррупция ҳолатларини пайдо бўлишига сабаб бўлувчи омилларни ўз вақтида бартараф этишга кўмаклашиш.

5. Комиссиянинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- ТИВ ходимларининг одоб-ахлоқ Кодекси қоидаларини бажарилишини назорат қилади, уларнинг бузилиш ҳолатларини аниқлайди ва текширади;

- вазирлик ходимида манфаатлар тўқнашуви ёки коррупциянинг намоён бўлишига олиб келадиган ҳужжатлар ва бошқа маълумотларни борлигини кўриб чиқади;

- ТИВ тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларни чеклаш, оқибатларини бартараф этиш, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларни пайдо қилувчи сабаб ва шарт-шароитларга қарши чора-тадбирлар самарадорлигини оширишни таъминлайди;

- вазирлик ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этади;

- вазирлик раҳбариятига коррупцияга қарши чоралар (коррупцияга қарши кураш сиёсати)ни амалга оширишга қаратилган янги ҳужжатлар ишлаб чиқиш, мавжуд идоравий низомларга ўзгартириш киритиш ёки уларни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

- вазирлик ходимларининг ўз хизмат вазифаларини виждонан бажаришини таъминлашга қаратилган қўшимча қоидалар ва тартибларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш зарурлиги бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги вазирлик ва идоралараро дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашади;

- ходимларнинг одоб-ахлоқ Кодексига, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш қоидаларига, шунингдек коррупцияга қарши чоралар кўрилишига риоя этилишини назорат қилади. Шу билан бирга, вазирлик ходимлари томонидан ушбу соҳадаги қонунбузарликларни аниқлаш бўйича назорат тадбирлари ва режадан ташқари текширувларни ташкил этади;

- коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича профилактика чораларини ташкил этиш ва ходимларга хизмат вазифаларини виждонан бажариш бўйича индивидуал маслаҳат беради, шу жумладан янги ишга қабул қилинган ёш мутахассисларга тегишли тавсия ва кўрсатмалар беради;

- комиссия ўз иш фаолияти учун зарур бўлган ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни олиш юзасидан давлат ҳокимияти, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига, ташкилотларга, мансабдор шахслар ва фуқароларга мурожаат қилиши мумкин;

- расмий тадбирлар ва хорижий хизмат сафарлари чоғида олинган совғаларни белгиланган тартибда вазирлик балансига ўтказиш тўғрисида Вазирлик раҳбариятига таклиф киритади;

- зарур ҳолларда Комиссия йиғилишида иштирок этиш учун бошқа ташкилотларнинг мутахассислари ва мустақил экспертларни жалб қилади.

III. Комиссия фаолиятини ташкил этиш

6. Комиссия Вазирликнинг буйруғи асосида тузилади ва унинг таркиби белгиланади. Комиссия аъзолари беш нафардан кам бўлмаслиги ва тоқ сонда бўлиши лозим. Комиссия аъзоларининг вазифалари Вазирликда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун жавобгар шахсларга юкланиши мумкин.

7. Комиссия раис, унинг ўринбосари, котиб ва аъзоларидан иборат. Қарор қабул қилиш жараёнида комиссиянинг барча аъзолари тенг

ҳуқуқларга эга. Комиссия раиси йўқлигида унинг вазифаларини комиссия раисининг ўринбосари бажаради.

8. Комиссия таркибига тажрибали, жамоада обрў-эътиборга сазовор бўлган давлат хизматчилари киритилади.

Комиссия таркиби Комиссия томонидан қабул қилинган қарорларга таъсир қилиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувисиз тузилган бўлиши керак.

9. Комиссия йиғилиши қуйидаги шахслар қатнашади:

- одоб-ахлоқ Кодекси қоидаларига риоя этиш масаласига бевосита алоқадор ходим;
- ушбу ходимнинг бевосита раҳбари (бошқарма/бўлим бошлиғи);
- кўриб чиқиладиган масаланинг моҳияти бўйича тушунтиришлар бера оладиган вазирлик ходимлари ва бошқа шахслар.

IV. Комиссиянинг иш тартиби

10. Комиссия йиғилишини ўтказиш учун асос Вазирликнинг биринчи бўлими ёки Кадрлар ва таълим муассасалари бошқармаси, таркибий бўлинмалар раҳбарларининг ходимнинг одоб-ахлоқ Кодекси қоидаларига риоя қилмаслиги ёки шахсий манфаатдорлик белгилари (манфаатлар тўқнашуви) мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни тақдим қилиши ҳисобланади.

11. Ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган маълумотлар ёзма равишда тақдим этилади ва қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

- вазирлик ходимининг фамилияси, исми, шарифи ҳамда лавозими;
- одоб-ахлоқ Кодекси талаблари бузилганлиги ва ходимлар ўртасида шахсий манфаат белгиларининг мавжудлиги ва уларнинг хизмат вазифаларини бажариш пайтида ноқонуний хатти-ҳаракатлари тавсифи;
- ахборот манбаи ҳақидаги маълумотлар.

12. Комиссия жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар, шунингдек аноним мурожаатларни кўриб чиқмайди.

13. Комиссия раиси ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган маълумотлар олинган кундан бошлаб 3 кун ичида ушбу маълумотларни текшириш тўғрисида қарор қабул қилади. Ахборот ва материалларни

текшириш уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ой ичида амалга оширилади. Тафтиш муддати комиссия раиси қарори билан бир ойгача узайтирилиши мумкин.

14. Комиссия йиғилишининг санаси, вақти ва жойи унинг раиси томонидан ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ёки рад этувчи ҳужжатлар тўпланганидан кейин белгиланади.

15. Комиссия котиби комиссия йиғилишини тайёрлаш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал қилади, шунингдек комиссия аъзоларини йиғилиш ўтказиладиган сана, жой ва кун тартибига киритилган масалалар бўйича, йиғилиш ўтказиладиган кундан камида етти иш кунидан олдин хабардор қилади.

16. Комиссия йиғилиши, агар унда комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

17. Агар комиссия йиғилиши кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиш муносабати билан комиссия аъзолари ўртасида эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви келиб чиқса, улар буни йиғилиш олдидан эълон қилишлари шарт. Бундай ҳолатда комиссиянинг тегишли аъзоси ушбу масалаларни кўриб чиқишда иштирок этмайди.

18. Комиссия йиғилиши унинг кун тартибига бевосита алоқадор ходим иштирокида ўтказилади. Агар ходим асосли сабабларга кўра йиғилишда қатнаша олмаса, Комиссия йиғилиши қолдирилади.

19. Комиссия йиғилишида ходимнинг тушунтиришлари эшитилади, йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар билан боғлиқ ҳужжатлар кўриб чиқилади. Комиссия ўз йиғилишида бошқа шахсларнинг таклифларини, уларнинг оғзаки ёки ёзма тушунтиришларини кўриб чиқиши мумкин.

20. Комиссия аъзолари ва унинг йиғилишида иштирок этаётган шахслар Комиссия иши давомида ўзларига маълум бўлган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмасдирлар.

21. Ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган маълумотларни ҳар томонлама ўрганиш ва кўриб чиқиш натижасида комиссия томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

- Кодекс қоидалари бузилганлиги ҳамда хизмат вазифаларини бажаришда ходимда шахсий манфаат (манфаатлар тўқнашуви) белгилари мавжуд эмаслиги тўғрисидаги қарор;

- Кодекс қоидаларини бузганлиги тўғрисидаги маълумотларни тасдиқланганлиги ва ходимнинг хизмат вазифаларини бажариш (ёки бажармаслиги) учун шахсий манфаатга эга эканлиги тўғрисидаги қарор;.

Шу билан бирга, ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган маълумотларни кўриб чиқиш натижаларига кўра Комиссия вазирлик раҳбариятига ходимларнинг одоб-ахлоқ Кодекси талабларидан келиб чиқадиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ёки ҳал қилишга қаратилган таклиф ва тавсияларни тақдим этиши шарт.

22. Ходим ўзининг ҳуқуқи, шаъни ва қадр-қимматига, ишчанлик обрўсига даҳл қиладиган мурожаат бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзини ҳимоя қилишга, Комиссияга зарур ҳужжатлар ва ахборотларни тақдим этишга ҳақли.

23. Комиссия раиси Вазирлик ходимлари томонидан одоб-ахлоқ Кодекси талабларига риоя этилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги фактларни ўрганиш ва кўриб чиқиш чоғида, унга берилган ваколатлар доирасида комиссия томонидан қабул қилинган ҳужжатлар бўйича якуний қарор қабул қилингунга қадар ходимни вақтинча лавозимидан четлаштириш ва у томонидан тегишли расмий вазифаларни бажариш бўйича Вазирлик раҳбариятига таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

24. Комиссия қарорлари мажлисда ҳозир бўлган комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Агар овозлар сони тенг бўлса, комиссия йиғилиши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

V. Комиссия қарорларини рўйхатдан ўтказиш ва юритиш тартиби

25. Комиссия қарорлари унинг йиғилишида иштирок этган комиссия аъзолари томонидан имзоланган баённома билан расмийлаштирилади. Комиссия қарорлари маслаҳат кўринишига эга.

26. Комиссия Мажлисининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- Комиссия йиғилиш санаси, унинг аъзоларининг ва йиғилишда қатнашган бошқа шахсларнинг фамилияси, исми, шарифи;

- Комиссия йиғилишида кўриб чиқиладиган масала ҳамда ушбу масалага алоқадор, одоб-ахлоқ Кодексини қоидаларини бажармаганлик ва манфаатлар тўқнашуви бўйича гумонланувчи ходимнинг фамилияси, исми, шарифи ва лавозими;

- Вазирлик ходимига нисбатан қилинган даъволар, уларга асос бўлган маълумотлар; ходим ва бошқа шахсларнинг даъволарининг моҳияти бўйича тушунтиришлари;

- йиғилишда сўзга чиққан шахсларнинг фамилияси, исми, шарифи ва уларнинг нутқларининг қисқача мазмуни;

- Комиссия йиғилишини ўтказиш учун асос бўлган маълумот манбаи ва олинган санаси;

- овоз бериш натижалари ва уни қабул қилиш учун асос бўлган қарор;

- бошқа маълумотлар.

27. Комиссия йиғилиши қарорига рози бўлмаган комиссия аъзоси ўз фикрини ёзма равишда баён этишга ҳақлидир, мазкур қўшимча баённомага илова қилинади ва ходимга таништирилади.

28. Баённоманинг нусхалари йиғилиш ўтказилган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги раҳбариятига ва ходимга (агар комиссия йиғилишида бир неча масала кўриб чиқилган бўлса, баённомадан кўчирма), шунингдек комиссия қарори билан бошқа манфаатдор шахсларга берилади.

29. Комиссия қарорида кўрсатилган таклифлар, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан баённома олинган кундан бошлаб 5 иш куни ичида амалдаги қонунчиликка кўра Кодекснинг тамойиллари ва қоидалари бузилишининг олдини олиш ёки уларни ҳал қилиш чораларини кўриб чиқади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги раҳбариятининг қарори Комиссиянинг навбатдаги йиғилишида эълон қилинади.

30. Агар комиссия ходимнинг ҳаракатларида (ҳаракатсизлигида), шу жумладан хизмат вазифаларини бажармаган тақдирда интизомий ҳуқуқбузарлик белгилари мавжудлигини кўрсатувчи ҳолатларни белгиласа, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги раҳбарияти Комиссиянинг тегишли хулосасини (ёки қарорини) олганидан сўнг ходимга амалдаги меҳнат қонунчилиikka мувофиқ интизомий жавобгарлик қўллаши мумкин.

31. Агар комиссия вазирлик ходими маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят таркибининг белгиларини ўз ичига олган ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этганлигини аниқласа, комиссия раиси белгиланган ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги тўғрисида маълумот ва бундай ҳолатни тасдиқловчи ҳужжатларни 3 иш кун ичида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига етказиши керак.

32. Комиссия йиғилиши баённомасининг нусхаси ёки ундан кўчирма ходимнинг шахсий иш жилдига илова қилинади.

33. Комиссия одоб-ахлоқ қоидалари Вазирлик раҳбари томонидан бузилган тақдирда унга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан таклифларни юқори турувчи давлат органига юборади,

34. Тарафлар ярашган, шунингдек ходим ўз хоҳиши билан мурожаатчидан ошкора узр сўраган ҳолларда, унга нисбатан таъсир чоралари қўлланилмаслиги мумкин.

VI. Вазирлик ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларини куриш

35. Комиссия Вазирликнинг Кадрлар ва таълим муассасалари бошқармаси билан биргаликда мунтазам равишда ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва уларнинг бузилишини олдини олишга қаратилган қуйидагиларни назарда тутувчи профилактик комплекс чора-тадбирларни амалга оширади:

- ходимларни юксак касбий маданиятни, жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишчан кайфиятни шакллантириш;

- ходимларни “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш, яъни ҳалолликни уларнинг онгига сингдириш, маърифат орқали уларда коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш кайфиятини шакллантириш;

- ходимлар таниқли маънавият ва маърифат соҳасининг кўзга кўринган намоёндалари, дипломатик соҳада юксак натижаларга эришган меҳнат фахрийларини жалб қилган ҳолда, учрашувлар ташкил қилиб бориш;

- ходимларининг касбий ва бошқарув кўникмалари ўсишини, шунингдек уларнинг малакасини доимий равишда оширишни, улар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишларини таъминлаш мақсадида уларнинг билимлари ва малакасини доимий такомиллаштириш ишларини таъминлаш;

- ходимнинг иқтисодий билимларини, ҳуқуқий саводхонлигини, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини, интеллектуал ва маънавий ривожланишини ошириш мақсадида иқтисодий ва ҳуқуқий ўқишлар ташкил этиш;

- янги ишга қабул қилинган ходимларни одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш борасида стажировкадан ўтказиш ва улар билан профилактик суҳбатлар ташкил қилиш;

- ходимларни малака ошириш курсларига, халқаро семинарлар, конференциялар ва шу каби бошқа тадбирларга юбориш, улар томонидан ўз касбий даражаси ва ахлоқий сифатларини мустақил оширишлари учун шарт-шароитлар яратиб бериш.

36. Комиссия ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) борасидаги ўз фаолиятини Комиссия томонидан тасдиқланадиган иш режа асосида олиб боради.

37. Вазирлик ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чоралари Комиссия томонидан Вазирликнинг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарлари ҳамда касаба уюшмалари кўмиталари билан биргаликда ташкил этилади.

38. Вазирлик ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларининг натижадорлиги йил якунлари бўйича ўтказиладиган Комиссия йиғилишида муҳокама қилинади.

VII. Комиссия фаолиятини таъминлаш

39. Комиссия фаолиятини ташкилий, техник ва ҳужжатлар билан таъминлаш, шунингдек кун тартибига киритилган масалалар, йиғилиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида комиссия аъзоларини хабардор қилиш, комиссия аъзоларини йиғилишда муҳокама қилиш учун тақдим этилган ҳужжатлар билан таништириш комиссия котиби томонидан амалга оширилади.

40. Комиссиянинг идора иши амалдаги қонунчиликка мувофиқ олиб борилади.

41. Комиссия йиғилиши очик тарзда ўтказилади. Зарур бўлган ҳолларда Комиссия ёпиқ йиғилиш ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

42. Комиссия йиғилишининг баённомаси Кадрлар ва таълим муассасалари бошқармасида сақланади.

**Ташқи ишлар вазирлигининг
одоб-ахлоқ комиссияси таркиби**

1. Э.Хамраев - Вазир ўринбосари, *комиссия раиси;*
2. Д.Курбанов - Халқаро муносабатлар бўйича
ахборот-таҳлилий маркази директори в.б.;
3. С.Суяров - “Дунё” ахборот агентлиги директори;
4. А.Каюмов - Дипломатик корпусга хизмат кўрсатиш
бюроси бошлиғи;
5. И.Хасанов - Кадрлар ва таълим муассасалари
бошқармаси бошлиғи; *комиссия раиси*
ўринбосари;
6. К.Рашидов - Шартнома-ҳуқуқ бошқармаси бошлиғи;
7. Д.Рахимджанов - Биринчи бўлим Режим бўйича бош
мутахассиси;
8. Ш.Закирова - Кадрлар ва таълим муассасалари
бошқармаси бошлиғи ўринбосари - бўлим
бошлиғи;
9. А.Юнусов - Консуллик-ҳуқуқий департаменти
бошқарма бошлиғи;
10. Э.Султанова - ЖИДУ профессори;
11. М.Мирсаидов - Кадрлар ва таълим муассасалари
бошқармаси иккинчи котиби, *комиссия*
котиби.

Изоҳ: Ташқи ишлар вазирлигининг одоб-ахлоқ комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юклатилган шахслар киритилади.